

Адхамбек АЛИМБЕКОВ

ЭЗГУЛИККА ЭШ КЎНГИЛ

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

ЭЗГУЛИККА ЭШ КЎНГИЛ

Шоир, ёзувчи ва драматург Менглибой Муродов
адабий портретига чизгилар

Тошкент-2018

Ушбу рисолада таниқли шоир, ёзувчи ва драматург Менглибой Муродовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилади. Адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбеков адибнинг кўп йиллик ижод маҳсули бўлган шеър, ҳикоя, роман ва драмалари ҳақида фикр билдирар экан, уларнинг туб моҳиятига эътибор қаратади. Шунингдек, мазкур асарлар инсон руҳиятининг инъикоси сифатида ўрганилган, таҳлилга тортилган. Менглибой Муродов ижоди ва фаолияти тўғрисида илк адабий портрет бўлган мазкур рисола адабиёт мухлисларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Кириш

Навоий вилояти адабий муҳити ўзига хос жиҳатларга эга. Бу ерда яшаб ижод қилаётганларнинг кўпчилиги республика миқёсида танилган. Баҳриддин Садриддинов, Музаффар Жаҳон, Салима Умарова, Одил Ҳотамов, Ҳамдам Эшонқулов, Раҳим Қодир, Жалолиддин Юсупов, профессор Абдуҳамид Ҳолмуродов, ёшлардан Ифтихор Хонхўжаев адабиёт аҳлига яхши таниш. Буларнинг ичида Менглибой Муродовнинг ўрни алоҳида. Шеърлари, ҳикоялари, қиссаю романлари билан ўқувчилар қалбини забт этган Менглибой ака бугун ҳам фаоллар қаторида.

Туғилиб - ўсган қишлоғида яшаб, баракали ижод қилаётган адиблар ўзбек адабиётида анчагина. Булар марказга интилмасдан, вилоятда яшаб ҳам яхши ижодкор бўлишни исботлаган ижодкорлардир. Менглибой Муродовни ҳам шулар қаторига қўшиш мумкин.

Бўлажак шоир, адиб ва драматург Менглибой Муродов 1942 йил 15 майда Навоий вилояти Конимех туманидаги Шодибек қишлоғида зиёли оилада таваллуд топган. У 1960 йилда туман марказидаги 1-ўрта мактабни, 1966 йилда эса Бухоро давлат педагогика институтини битирган.

Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган Менглибой Муродов илк педагогик фаолиятини тумандаги Алишер Навоий номи 9-ўрта мактабда бошлаган. 1969 йилдан 1986 йилгача туман халқ таълими бўлимида услубшунос, метод кабинет мудирини, назоратчи, бош назоратчи, 1986 йилдан 1990 йилгача

Мирзо Улуғбек номли 7-ўрта мактабда директор, 1990 йилдан 1998 йилгача туман халқ таълими бўлими мудирини ўринбосари, 1998-1999 йилларда туман “Маҳалла” жамғармаси раиси, 1999-2000 йилларда туман ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалар бўйича гуруҳ раҳбари – ҳоким ўринбосари, 2000-2002 йилларда эса туман ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси лавозимларида ишлаган. Менглибой Муродов 2003-2006 йилларда “Маҳалла” ва “Мулкдор” республика газеталарининг Навоий вилояти бўйича махсус мухбири бўлиб фаолият кўрсатган.

Менглибой ака қаерда, қандай лавозимда ишлаганини ўзига бириктирилган ишга виждонан ёндашди, қалб амри билан ишлади. Шундан ҳурмат топиб, эл эътиборига тушди.

Менглибой Муродов ёшлигидан бадиий ижод билан жиддий шуғулланди. Улғая боргани сари жамиятдаги муаммолар, инсон амалий фаолияти ва қалб олами, инсон ва борлиқнинг ўзаро муносабатига оид қарашлар, масалалар ижодкор сифатида уни ҳамиша ўйлантириб турган мавзулар бўлди. Шу маънода, қатор шеърлар, насрий асарлар ёзилди, вақтли матбуотда эълон қилинди. Аммо китоб чоп этишга шошилмади. Менглибой Муродов асарларини мустақиллик йилларида китоб ҳолида нашр эттирди. Мухтасар айтадиган бўлсак, адиб истиқлол йилларида баракали ижод қилди. Айниқса, ёзувчининг “Менинг бола қалбим” қиссаси, ижобий маънода, анчагина шов-шувларга сабаб бўлди.

Менглибой Муродовнинг қуйидаги асарлари нашр

этилган. “Меҳр” (1966), “Хосиятли кун” (2001), “Дийдор” (2002), “Юрагимда борин айтдим” (2005), “Кўнгилдаги кўшиқлар” шеърий тўпламлари ва “Туноҳ” романи (2008), “Менинг бола қалбим” (2009) қиссаси, “Савоб” романи (2012), “Мен бир йўловчиман” (2017) сайланмаси , рус тилида “Моя недетская душа” (2017) китоблари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ҳам Менглибой Муродов қизгин ижод оғушида. Унинг долзарб мавзулардаги турли жанрларга оид янги асарлари республика матбуотида тез -тез кўриниб турибди. Айти пайтда адиб оммавий ахборот воситаларида давлат ва жамият ҳаётига дахлдор масалаларда ўз қарашлари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Менглибой Муродовнинг камтарона фаолияти жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган. Хусусан, адибнинг “Туноҳ” романи республикаимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танловида фахрли ўринни олганлиги фикримизнинг далолатидир..

НАФОСАТ ОЛАМИДА

Шеърят кўнгилларни нафисликка ошно қилади. Шеърлари китобхонни гўзалликка эш қилиши учун шоирнинг дили шишадек тоза, кўнгли тонгнинг нурафшон ёғдуларига чулганган бўлиши лозим, назаримизда. Менглибой Муродов ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган. Унинг шеърларини ўқиган китобхон сатрлар замирида мана шу нур аксини кўради, тафтини ҳис қилади.

Ҳар бир шоирнинг шеърий таъсир қуввати турлича бўлиши табиий, муҳими унинг моҳиятидаги самимийлик, кўнглида борини бошқалар билан баҳам кўра олиш қобилияти мавжудлигидадир. Шоирлик ҳақида, шоир қисмати ҳақида ҳар кимнинг ўз қараши бор. Лекин буларнинг барчасини моҳиятида бир нарса - ўзини бошқаларга фидо қилиш ётади. Фидойиликни тор маънода тушуниш керак эмас. Кўнгил фидойилиги, туйғулар фидойилиги деган гаплар бежизга айтилмайди. Инсонда ўзгаларга яхшилик қилиш нияти, ўзидаги яхши нарсаларни бошқалар билан баҳам кўриш истаги бўлмаса, ундан ҳеч қачон том маънода фидойи чиқмайди. Зукко шеърхонни алдаш осон эмас. Самимий сўзлаган одам ҳамиша ютади. Унинг энг катта ютуғи самимиятига яраша беғубор кўнгиллардан жой олишидир. Менглибой Муродов шеърляти билан ошно китобхонлар, энг аввало, мана шу инжаликни ҳис қиладилар.

Шоир илк уринишларининг меваси бўлмиш “Илинж” шеърида шундай ёзади:

*Зўр шеър илинжида
Шомдан тонг қадар
Қогоз қоралайман,
Хаёл - дарбадар.*

*Ёзиб - ўчираман
Такрор ва такрор,
Гоҳо шавққа тўлиб,
Гоҳ бўлиб абгор.*

Бу аввало ўз кўнглига, китобхонга маъқул келадиган шеър ёзиш ишқида ёнаётган ёш шоир қалбининг нидосидир. Мана шу илинж, интилишни шоир бир умр қалбида ардоқлаб келмоқда.

Шоир қайси мавзуда ёзмасин самимий бўлишга интилади. Менглибой Муродов она юрт мадҳига бағишланган шеърларида Ватан сиймосини, унга нисбатан ичкин ҳис-туйғуларини тумтароқ сатрлардамас, самимий мисраларда чизади. Қиёсларни ҳам юрт табиатидан келиб чиқиб топади. “Она юртим – Ўзбекистон” шеъридаги мазкур мисраларга эътибор қилинг:

*Қарайвериб юлдузларнинг кўзи толар,
Тўлин ой ҳам сенга боқиб ором олар.
Қуёш эса маҳлиё бўп туриб қолар,
Бетакрорим, она юртим – Ўзбекистон!*

Бир банднинг уч мисраси табиат гўзаллигини тасвирлаш, қиёслаш воситасида она юртнинг бетакрор

манзараларини мадҳ этишга бағишланган. Бу ерда бирор ортиқча сўз йўқ. Шоир самимий қиёслар орқали юрт мадҳини кўнгилдан жой оладиган қилиб бераяпти. Ойнинг ором олиши ҳам, қуёшнинг тиккага келганда вақт тўхтаб қолгандек, сониялар юрмаётгандек бўлиши ҳам Ўзбекистон табиати билан боғлиқ. Кишини ҳайрон қолдирмайди. “Ватанжоним - бахт- иқболим”, “Бахт юлдузим”, “Она юртга тилагим”, “Ватан мадҳи” сингари мағзи тўқ шеърларда Ватанни юксак пардаларда тараннум этади шоир. Ёки ҳазрат Навоийга бағишланган “Навоий гулшани” шеърини ҳам табиат билан, яъни гулшан , гул билан боғлайди:

*Кириб қолдим бу гулшанга чиққим келмас,
Таровати ҳамда ҳусни ақлим олди.
Ҳар гулининг ҳар япроғи, ҳар бир ранги,
Қалбларимни титратгудай туйғу солди.*

Мана шу жиҳат унинг “Табиат ва ҳаёт манзаралари” туркумини яратишга олиб келди. Туркумдаги шеърлар табиат манзараларидан илҳом олиб янги-янги ҳаётий хулосалар чиқарилганининг яхши намунасидир:

*Хазонрез япроқлар йўлимга тушиди,
Биттаси мунгайиб қўлимга тушиди.
Бир нечаси ўнгу сўлимга тушиди,
Бу ҳолдан шу тобда минг маъно туйдим.*

Табиат тасвири билан боғлиқ ўхшатишлар қилишда, ташбеҳлар тизишда шоирнинг қалами яйраб кетади.

“Кузда” шеъридаги мана бу мисраларга эътибор
берайлик:

*Ечинтириб қўйди дарахтларни куз,
Хаёлларга толди бу ҳолдан боғлар.
Барги хазонларга кўмилиб ҳовуз,
Бир хўрсиниб қўйди сокин ирмоқлар.*

*Боғлар шошиб ёнди этакларини,
Мажнунтолнинг бунга келмади ҳуши.
Шамол сувга айтди эртакларини,
Туш кўра бошлади тераклар учи.*

Энди унинг тескариси ўлароқ “Баҳорнинг аҳди”
шеърини кўринг:

*Ой солланиб юлдузларга чироқ илди,
Сарполарин сочди кўкнинг сандиқлари.
Ёғдуланган баҳоройнинг авжи келди,
Сурнай чалди дала-тузнинг чандиқлари.*

Биринчи икки мисрага эътиборни қаратсак, табиат тасвири миллий руҳда тасвирланганини кўрамиз. “Чироқ илди”, “сарполарин сочди”, “сурнай чалди” шундоқ шарқона руҳга мосдир. Мана шу оҳанг кейинги мисраларда янада кучаяди. “Билиб-билмай тиралиб қолди. Қояларга увода булут.”, “Хўмрайган ола булут қовоғин уйди, Ой эса ўйланиб туриб қолди жим” тасвирлари китобхон кўнглига нур индиради. Табиатни теран кузатиб, гўзаллигини илғашга ундайди.

Ой гўзал қизга менгзалган бу тасвир, бу суратдан хайратга тушмасликнинг иложи йўқ:

*Авжи келиб қолди бу кеча ойнинг,
Сочларини тараб, қошларин керди.
Хаёлин қочирди дарёнинг, сойнинг,
Дала, қирга чиқиб чучмома терди.*

Шоир бир шеърида ойни гўзал қизга ўхшатса, иккинчи шеърида эртақчи момога қиёслайди. Шоирнинг маҳорати шундаки ҳар иккисида ҳам китобхонни ишонтира олади. “Оқшом аста ухлаб қолди” шеърида ҳам айнан шу ҳолатни кўрамиз.

*Тунга эртақ айтавериб,
Ой салгина ҳориб, толди.
Сеҳрланган оқшом аста
Гўдақ тахлит ухлаб қолди.*

*Тонг-ла турли турфа олам,
Йиғиб олиб ҳушларини.
Мароқ билан шунда шошиб,
Кунга айтди тушларини.*

Шоир табиат лирикасидаги яна бир ўзига хос жиҳатлардан бири унинг табиат унсурларига ҳар хил сифат бериши билан боғлиқ. Шеър матнидан, жонли тасвир имкониятларидан келиб чиқиб бу сифатлар нечоғли ўринли қўлланганлигига китобхон дафъатан инонади:

*Хўмрайган ола булут қовозин уйди,
Ой эса ўйланиб туриб қолди жим.
Бу ҳолат шамолнинг хаёлин ўйди,
Негадир бу пайтда ҳаво эди дим.*

Ой, булут, ёмғир, шамол мисолидаги оригинал қиёслар бунга яхши далилдир.

*Ҳориб толган ой оқшомда боқарди лол,
Булутлардан кўрна ётиб олди осмон.
Тўзғиб қолди қир-адирда дайди шамол,
Саррин еллар боғу тоғда кезди сарсон.*

Бошқа бир шеърдаги бундай ҳолат ойнаинг, оқшомнинг, шамолнинг жонлантирилиши китобхонда шубҳа уйғотмайди, аксинча бу жонлантириш-ўхшатишлардаги аниқлик, ҳаракатнинг предметга уйғунлиги китобхон кўнглида табиатга янада меҳр уйғотади, янги ташбеҳлар кўнглига завқ беради.

“Ҳолат” шеърдаги ўхшатиш, тасвир, ҳаракат жудаям уйғунликда берилганки, буларни бир - биридан ажратиб бўлмайди:

*Шамол нурдан кўзмунчоқ ясаб,
Дарахтларга осди беланчак.
Эркаланиб койинган бўлди,
Кўзи ёрган булут келинчак.*

Шеърдаги кўзмунчоқ, беланчак, кўз ёрган - сўзларига эътибор қилинг. Бунда руҳий ҳолат тасвири ниҳоятда тиниқ чиққанлигига муҳим сабаблардан бири

сифатида шоирнинг ўзбекона жайдари сўзлардан унумли фойдаланганини айтишимиз мумкин.

“Шамол ва боғ” шеърида ҳам сўзлар ўртасида ўзаро мантиқий боғланиш кучли эканини кузатамиз:

*Туни билан изгиган шамол
Тонгга бориб увлашга тушди.
Дов-дарахтлар чайқалди беҳол,
Барглар барғни қувлашга тушди.*

Шеърдаги узвийлик ҳаракат давомийлигида: изгигач увлайди, чайқалгач қувлайди.

Бу шеърда шамол ва боғ бир - бирига қарама -қарши қўйилгандек. Гўё икки куч курашаётир. Шамол охири тинади. Боғдаги дарахтлар эса хотиржам бир-бири билан гурунглашашиб турибди. Собитлик, кулфат келганда ҳамжихатлик боғ тимсолида кўрсатилгандек. Голиблик бирликда деган ҳикмат сингдирилган ушбу мисралар қатига.

“Баҳор соғинчи” шеърида-чи? Баҳор билан қиш тўқнашади. Халқ оғзаки ижодидаги, мумтоз адабиётимиздаги фасллар мунозарасини эса соладиган, айни пайтда бежирим ўхшатишлар тизилган мисралар беихтиёр ўқувчини шайдо қилади:

*Чилдирмасин чалганича
Келиб қолди Баҳорой.
Қариган қиш толганича:
– Борми, – деди, – пана жой?*

Баҳорга чилдирма чалдириш, оқшомни ухлатиш,

дарахтларга шамолнинг қўли билан исирғалар илиш табиатни севган, унинг гўзаллигини дилдан ҳис қилган мусаввир шоирнинг қўлидан келади, холос.

*Билмадим, кимга не қасди бор қишининг,
Томларда найзалар ясашига ўтди.
Новдаларда бўртган ҳар бир шўх нишининг
Пойига осилиб этагин тутди.*

Охирлаб бораётган қишнинг тасвири “Ноёб манзара” шеърида жуда чиройли чизиб берилгани кўриниб турибди. Бу шеър шоирнинг ҳолатдан келиб чиқиб поэтик манзара ярата олиш иқтидорини намоён этади.

Менглибой Муродовнинг “Атиргул”, “Лайлак қор”, “Қузда” каби табиат тасвирига бағишланган кўпгина шеърларида янги ташбеҳларга, жонлантиришларга дуч келамизки, бу шоирнинг юқорида таъкидлаганимиздек мусаввирона иқтидоридан, руҳи тозалигидан далолат беради. Низомий Арузий Самарқандий “Шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти ҳақида” рисоласида шундай ёзади: *“Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, таби латиф, кўнгли тўғри ва зеҳни ўтқир бўлмоғи лозим. У яна турли фанлардан хабардор бўлиши, ҳар хил одатлар билан таниш бўлмоғи керак. Чунки шеър ҳар бир илмда қўл келиши ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин”*. Шу жиҳатларни Менглибой Муродов ижодида кузатиш мумкин.

Менгливой Муродовнинг табиат лирикасидан баҳраманд бўлиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, шоир табиат гўзаллигини нозик ҳис этиш баробарида

ҳолатга мос, табиат унсурларига мос ташбеҳлар топа олади. Албатта, ўхшатишлар ўқирман кўнглида шавқ уйғотиши учун қиёсларда ички уйғунлик бўлиши керак. Менглибой Муродовнинг шеърларида бу нарса бўртиб кўзга ташланади, аниқ ҳис қилинади. Табиатни севган киши, инсонни севади, деганларидек, шоирнинг айнан табиат лирикасида шу икки унсур уйғунлашиб кетган.

Менглибой Муродовнинг шеърлари мавзу жиҳатдан ранг-бараг бўлгандек, мазмун-моҳият борасида ҳам турфа хил. Унинг “Юрагимга”, “Ношудга”, “Тошда ҳам кўнгил бор” каби шеърлари шоир сифатида фалсафий қарашларга ўта мойиллигидан далолатдир.

Шоир “Юрагимга” деб номланган шеърида қисматга сабр, юракка гард юқтирмаслик инсон руҳига, шаънига гард юқтирмасликдир, дейди. Ўз қадрини билган одам ғурурли бўлади, бошқаларнинг ҳам қадрига етади, шунинг учун ҳам покиза ҳаёт кечиришни истайди:

*Созинчларим гулласаям, чўп бўлсаям,
Олов қалбим изтиробда қул бўлсаям,
Сабрларим қисматимга қул бўлсаям,
Гард юқтиргим келмас сира юрагимга.*

“Ношудга” шеъри лоқайд ёшларга насихат тарзида айтилаётгандек таассурот уйғотсада, кўнгилга оғир ботмайди, шоир қарама-қарши туйғуларни ўзаро қиёслаш воситасида ношуд дилларни уйғотмоқчи бўлади.

*Шоҳона уйқулар шоҳи бўлгунча,
Сержилд китобларнинг қули бўл, ношуд.
Лоқайдлик осмонин моҳи бўлгунча,
Сермева боғларнинг гули бўл, ношуд.*

Биринчи икки мисрада олға сурилган фикр бугунги кун талабига ниҳоятда мос келади. Китобхонлик, ёшларимиз қалбида китобга меҳр уйғотиш борасида айна кунларда мамлакатимиз миқёсида жуда катта ишлар амалга оширилаёттир. Шу маънода, мазкур фикрлар ўзининг долзарблиги билан ғам ажралиб туради.

Адабиётда табиатга бир тирик мавжудот сифатида қараш, шоирнинг табиий шавқидан, умуман, жонсиз нарсаларда жон аломатини кўриш ҳар бир инсоннинг маънавий дунёсидан келиб чиқади. Менглибой Муродовнинг “Тошда ҳам кўнгил бор” шеъри бунинг яхши исботи бўла олади:

*Тилсиз деманг сиз тошни,
Садо чиқар тошдан ҳам.
Ўрни келса ўргилиб,
Ҳол сўрайди қошдан ҳам.*

*Ишқсиз эмас кесак ҳам,
Сувни кўрса эрийди.
Бир ниҳолга эи бўлса,
Ғам ташвишдан арийди.*

Табиатнинг оддий бир ҳодисаси – кесак сувга тушиб

лойга айланиши ҳолатини ҳаёт манзараларини фалсафий кузатиб юрадиган шоиргина ижобий баҳолай олади. Бу хусусият кейинги мисраларда ўз тасдиғини топади.

Ҳаёт ва табиат ҳодисаларига нисбатан ўзининг собит фалсафий қарашларига эга бўлган шоир “Насиҳат” шеърда шундай хулосага келади:

*Ўзгадан гина қилма, нон - насибанг оз бўлса,
Кетмас асло бараканг иш қуролинг соз бўлса,
Кунинг тунга айланар, қўшининг лўттибоз бўлса,
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.*

Бу шеърдан мақсад ўқувчига шунчаки ўғит бериб қўйиш эмас, ижодкор ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, йиллар мобайнида уққанларини мухлислари билан ўртоқлашишдир.

“Орзули дунёда” шеърдаги “*Шошиб ўтаётган ҳар бир лаҳзадан, олиб қолгим келар муносиб ҳаққим*” деган даъвода шоирнинг вақтга нисбатан қанчалар талабчанлигини, комил инсон сифатида умрнинг қадрига етиши ўз аксини топган. “Вақт билан суҳбат”, “Ҳаёлнинг ранглари”, “Фикр ҳақида”, “Деворсоат” шеърлари ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Менглибой Муродовнинг бундай фикр тарзи устоз Ғафур Гуломнинг машҳур “Вақт” шеърдаги ўлмас ғояни имкон қадар давом эттираётгандек тасаввур уйғотади.

Севги, муҳаббат, аёлларнинг қадри, уларнинг бетакрор гўзаллиги ҳақида қайси шоир ёзмаган дейсиз? Бу абадий мавзуларни ҳар бир ижодкор ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, қаламга олади. Кўҳна

мавзу бисотини титкилаб, ундан бир янги гап топаман деганлар бунинг уддасидан чиқадилар ҳам. Шоирнинг “Аёлни де, уни қаттиқ сев” шеъри ҳар жиҳатдан ўқишли шеърлардан бўлиб, аёллар шаънига мадҳиядек янграйди. Бу шеърни шоир лирикасидаги яхши, сара шеърлардан бири дейиш мумкин. Ҳар банд бошида “Аёлни де” таъкиди такрорланиб туриши ҳам шеърдаги фикр таъсирини кучайтирган:

Аёлни де,

*Эркак бўлсанг сен
Ва сева бил, ширин жон қадар!
Шундагина бахтинг беадад
Ва кўрмассан дунёда алам!*

Аёлни де,

*Ардоқлагин ҳам эъзозлаб кут,
Бир йил эмас, бир умр шундай!
Шунда дард не, билмассан, чунки -
Аёл қалби энг нодир малҳам!*

Бу мисраларга шарҳ ортиқча. Кишида олам-олам фикр уйғотади. Атрофингиздаги аёлларга янада хурматли бўлишга ундайди.

Мелибой Муродовнинг “Қудратларнинг қудрати бор чин севгида...” шеъри шоир муҳаббат лирикасининг мағзини ташкил этаётгандек гўё. Чин севги қудратли бўлади, соҳибига-да куч бағишлайди:

*Ору-номус йўқолмасин ўзларингда,
Эзма бўлсанг, маъно қолмас сўзларингда,*

*Қудратларнинг қудрати бор чин севгида,
Сен севгингни ифода эт кўзларингда!..*

Чин севги хайқириқларга муҳтож эмас. У қарашларда, ҳаракатда сезилади. Бу туйғуга қанча таъриф берилса, шунча оз. Одамзот бор экан, шоир зоти бор экан муҳаббат куйланади ва ҳар ким уни ўз имконияти даражасида тараннум этади.

Менглибой Муродов бу туйғу таъсиридаги ўз ҳиссиётларини бор ҳолича ифода этади. “Муҳаббат” шеърида шундай изҳори дил қилади:

*Дунё сизар қалбимга шу дам,
Борми экан севгисиз одам?!
Сўзларимга ишонсанг агар,
Ошиқ бўлиб кўринар олам!*

“Ошиқ бўлдим”, “Гулда не гуноҳ”, “Севги таронаси”, “Билдим сени йўқотганимда”, “Қизилқумлик гўзал қиз”, “Буюк экан меҳринг, муҳаббат”, “Севги салтанати”, “Қалбларим кўшиққа тўлаётгандай” шеърларида ҳам шоир севгини тараннум қилар экан, уни соф сақлаб қолиш масаласига алоҳида урғу беради. Шоир муҳаббат ҳақида ёзаркан, қалб катидаги, тубидаги туйғуларини куйга солгандек шавқланади. Севги дилларнинг ғуборини ювадиган, кишига чексиз қувват берадиган бир тилсим эканлигини айтади. Муҳими, унинг ижодидаги бу туйғулар шарҳида яланғоч сатрлар йўқ, барча ҳиссиётлар самимий тўкилади қоғозга.

Атоқли шоир Икром Отамурод “Йиллар ўтиб

интизорли...” мақоласида Менглибой Муродов шеърларидаги самимият ҳақида шундай ёзади: “ Самимият - қалбнинг нури. У қалб тарзларини, қалб йўсинларини, қалб майдонларини шуълалантиради. Туйғуларга беғуборлик, покизалик, софлик руҳини индиради. Менглибой Муродов битиклари самимиятдан сўзлайди. Самимиятдан сўзлайдигина эмас, самимиятга айланади. Самимият унинг қалбида яшайди. Шу сабаб бўлса керак, шоир битикларида нур воситаси, аксар ҳолда, такрор - такрор қўлланиладики, у ҳар гал қалбнинг қайсидир сирасига, қайсидир бир ҳолатига эш бўлиб келади, қалбнинг ички бир ёруғ ниятига ҳамдам бўлиб келади ва “қалбим нурга тўлди сенга сиғиниб” тахлитида, сўзнинг табиий ҳароратига йўғрилади”. (Менглибой Муродов. “Юрагимда борин айтдим...”. Тошкент. “Адолат” нашриёти. 2005). Менглибой Муродовнинг ишқий лирикасида мана шу ички бир ёғду янада ёрқинроқ шуълаланади, самимият ёрқин нур таратиб туради.

Болаларга атаб шеър ёзишнинг ўз қийинчиликлари бор. Бола кўзи билан дунёга қараш, бола қалби билан атрофни, ундаги воқеа-ҳодисаларни ҳис қилиш даркор. Шоир агар боланинг ёшини ҳисобга олмаса, шунга мослаб ёзмаса ёзганлари болаларга етиб бормади, уларда қизиқиш уйғотмайди. “Юзидаги ажинлари асли, босиб ўтган йўлларим акси” деган шоирнинг болаларга бағишланган шеърларида унинг бир меҳрибон ота, дуоғўй бобо сифатида фарзандларни авайлаши, уларга бўлган беқиёс меҳр-муҳаббати

сезилиб туради.

“Ўйиндошим совуқ эмас, Жавоҳир” шеърида сўз ўйини орқали “совуқ билан ўйнашма” деган онасига ёш боланинг тилидан шундай жавоб берилади:

*Эсингни йиғ, қолма тагин шамоллаб,
Вақт ўтказмай, дарровгина уйга кир.
Бола деди, жўрасига буриб лаб:
- Ўйиндошим совуқ эмас, Жавоҳир.*

Ўйин сўзининг кўп маънолигидан келиб чиқиб, она-бола диалоги орқали шоир чиройли сўз ўйини қилаётгандай.

Ёки “Сигир сақич чайнаяпти” шеъридаги ўхшатиш ва боланинг топқирлигига эътибор беринг:

*Бола деди ойисига:
“Сигир ҳам айнияпти.
Ётиб олиб, кўзин юмиб,
Сақичин чайнаяпти.*

*Бу ётишда сигиримиз
Қарамасов ўтга ҳам.
Оч қолса бўкиради,
Ойи, асло еманг зам.*

Шоирнинг “Болани камситманг”, “Бола орзуси”, “Саккизинчи март ҳақида”, “Бир саволга икки жавоб”, “Укамнинг тили чиқди”, “Эсонмисан, омонмисан” шеърларида ҳам бола тилидан айтилган гап-сўзларга кутилмаганда берилган жавоблар жуда ўринли ва айтилиши

пайтда фавқулотда қизиқарли ечимга эга. Масалан, холанинг эсонмисан, омонмисан деб сўрашганига жавобан Омоннинг жавоби:

-Болам, - деди келган хола,-
Эсонмисан, омонмисан?
Салом бериб деди бола:
-Эсон тўйда. Мен - Омонман.

Беозоргина ҳазилга йўғрилган бундай шеърларни ўқиганда беихтиёр киши чеҳрасига табассум югуради. “Тежамкор”, “Такрорлаш дарсида”, “Ёш ихтирочи”, “Бошгинасин қашийман деб” шеърларида ҳам бола руҳияти яхши очилган.

“Тежамкор” шеърида:

*Ёмон баҳо олмайин деб,
Зехнимни безаяпман.
Кўзимнинг нурларин ҳам
Бир йўла тежаяпман...*

Ёки “Такрорлаш дарсида” шеърида кундалик ҳаётда учраб турадиган қизиқ диалогга дуч келасиз:

*Илк саволим жуда жўн:
-Нега керак микроскоп?
Уни кўплар билади,
Ўйлаш ҳам шарт эмас кўп.*

*Бу синфда билагон,
Ўқувчилар бор эди.*

*Топқир чиққан Озодбек:
-Микроблар учун, - деди*

Яхши биламизки, ҳамма шеър ҳам кўшиқ бўлавермайди. Шу маънода, шоирнинг кўплаб шеърлари кўшиқ қилингани ҳақида алоҳида тўхталмоқни жоиз, деб билдик. “Қора тошлар”, “Манзара”, “Она юртга тилагим”, “Конимех ҳақида кўшиқ”, “Юрагимнинг қатларида изларинг бор”, “Меҳр ҳақида кўшиқ” ва бошқа ўнлаб кўшиқлари ҳофизлар томонидан куйланмоқда. Айниқса, “Сўнгги кўнғироқ” кўшиғи йигирма беш йилдан буён мактабларнинг бирирувчилари томонидан худди уларнинг мадҳиясидек куйланиб келинмоқда.

Шоир “Истак” шеърини шундай дилга яқин сатрлар билан бошлаган:

*Сўнмас меҳр жўшиб қалбларимизда,
Согиниб яшайлик бир-биримизни.*

Дарҳақиқат, Менглибой Муродов шеърларини кўлга олган ўқувчи, албатта, унинг муҳибига айланади ва шоир қаламига мансуб бошқа китобларни ҳам қайта-қайта соғиниб, излаб ўқиши табиий.

Тўртликлар, воқеабанд шеърлар, қасидалар қаторида ҳафсала билан болаларга бағишлаб шеърлар битган Менглибой Муродов халқ оғзаки ижоди йўсинида “Даврон бобо ҳикоятлари”, “Ғалати шумлик”, “Ҳикоят” каби ўқишли асарлар ёзди. Йирик шеър

жанрга ҳам кучини синаб кўриб дostonлар битди. “Полвон”, “Конимеҳр” (ривоят-doston) , “Уста Эртой ва судхўр бой” эртак-dostonи шулар жумласидандир. Фольклор мотивларидан унумли фойдаланган ҳолда ёзилган дostonлар енгил ўқилади, воқеалар ўқувчини ўзига тортади, зериктирмайди.

Менглибой Муродовнинг шеърларини, дostonларини ўқиган китобхон шоир ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев айтган ушбу сўзларга беихтиёр кўшилади. “Шоир шеърлари, ҳикоялари, афсоналарида она юртини тараннум этади, табиатни, яхши инсонларни мадҳ айлайди, айниқса, ўзи педагог бўлганлиги учунми, болаларга бағишланган қалб сатрлари анча мазмунли, ўйноқи, ширали, ва ёқимли...” деб эътироф этганди Нормурод Нарзуллаев. Ҳа, устоз бу борада жуда топиб айтган.

НАСР КЕНГЛИКЛАРИДА

Менгбой Муродов ҳаётни синчков кузатувчи ижодкор сифатида кўнглига яқин, ўзи бевосита кўрган кайфиятига таъсир қилган воқеа-ҳодисаларни фақат шеърда эмас, насрда ҳам ифодалашга ҳаракат қилди. Шеърга сиғдирилмаган фикрларини прозада тўкиб солди.

Ҳажм жиҳатидан ихчамгина “Онамнинг ҳиммати” ҳикояси замирида ўзбекона ҳимматни, олижанобликни кўрамиз. Жаҳон адабиётида ҳикоя қанча қисқа бўлса шунча яхши деган гап бор. Мазкур ҳикоя шу жиҳатдан ибратлидир. Ёзувчи асардан асарга ўтаркан, ижодини такомиллаштириб бориши, изланишни тўхтатмай, янги кашфиётлар қилишга уриниши даркор. Менглибой Муродовнинг “Тош” ҳикоясида одамларнинг оғир кунларда ва қийин дамларда бир-бирига ҳамкор бўлиши лозимлиги ҳаётининг деталлар асосида яхши кўрсатиб берилган. “Ғаройиб ҳодиса” ҳикояси ҳудди саргузашт асарларда бўладиган воқеаларни эслатади. Магазиндан “пул ўмарган” каламушни топиш ва уни қўлга тушириш воқеасини ёзувчи шундай ишончли тасвирлайдики, асарни бир нафасда ўқиб чиқасиз. “Онамнинг ҳиммати”, “Мўъжиза”, “Жазо” ҳикоялари ниҳоятда ихчам: ярим саҳифа, бир саҳифа. Аммо ёзувчи бу кичкина ҳикояларга катта бадиий юк юклай олган. “Ирода” ҳикояси беш марта ўлиб-тирилган Қаҳрамон исмли йигитнинг бошидан кечирганлари асосида ёзилган. “Одамда сабр-бардош бўлса, мустаҳкам ирода, эртанги кунга умид бўлса, машақатли ва оғир кунларда уни қўллаб-қувватловчилар кўп бўлса, бемор бўлиб тўшақда михланиб қолганида билимдон ва зукко

шифокорларнинг кўлида даволанса, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлигини йўқотмас экан”. (“Мен бир йўловчиман” 109-бет.)

“Аёл қисмати” ҳикояси айтиш мумкинки, хотин-қизлар жасоратига, бардошига бағишланган. 29 ёшида олти боласи билан ёлғиз қолган Мойиманинг бошига тушган ташвишлар, қийинчиликлар ва аёлнинг бундай оғир синовлардан қандай ўтганлиги, қолаверса, она иродасининг нақадар буюклиги маҳорат билан тасвирланган. Ёзувчи Мойиманинг эри тракторчи Тошмаматнинг ҳалокатга учраб вафот қилганлиги ва майитни уйга олиб келгандаги ҳолатни шундай тасвирлайди: “Опа уларнинг етиб келишига ҳам сабри чидамай улар сари йиқилиб, суришиб югурди. Нарвонни кўтариб келаётганлар опанинг вазоҳатини кўриб серрайиб туриб қолишди. Опа яқинлашиши билан нарвонни ерга қўйишди. Опа шошиб оқ бўзни тортиб юборган эди, ёш тўла кўзлари эрининг қонталашган ва кўкариб кетган сўлғин юзларига ва юмуқ кўзларига тушди. Фарёд уриб ўзини эрининг устига ташлади, унинг муздек совуқ юзига юзи тегиб кетдида-да юрагининг аллақеридаги жон томирлари узилиб кетгандек бўлди. Опа марҳумга айланган эрининг юз-кўзларини бармоқлари билан сийпалаб-сийпалаб, ўксиб-ўксиб “Рўзфоримдан айрилиб қолдимми?!...” дея бағрини ўртаб, эгилган нимжон гавадасини кўтаролмай дод солди. Шу тобда уни эрининг мурдага айланган совуқ танасиям, хўл ва намиққан кийимлариям тобора сеҳрлаб, ўзига ипсиз боғлаб қўяётган эди” (115-бет). Нақадар таъсирли тасвир. Ҳаёт ёзиғини қарангки Моиманинг қизи Фазолат тақдири ҳам ниҳоятда

машаққатли кечди, аммо бу аёл ҳам тақдир синовларини енгиб ўтади.

Менглибой Муродовнинг ҳикояларидаги айрим парчалар халқ оғзаки ижодини, ёзма адабиётда Тоғай Мурод услубини ёдингизга солади. Касал қизининг тепасида йиғлаб ўтирган Моима опа ҳолатининг тасвири: “Қизининг оғир ахволда ётганини кўриб, Моима опанинг юраги эзилиб, бағри тилиниб кетди. Шўрликнинг кучи кўзига етди. Зор-зор йиғлади. Кўрнамак куёвини қарғаб-қарғаб йиғлади. Аллоҳдан қизига шифо тилаб йиғлади. Норастанда невараларини ўпиб-ўпиб йиғлади, бошларини силаб-силаб йиғлади...”(118-бет). Ёзувчининг бу ҳикояси қисмат қисган, кимгадир нон, кимгадир дашном едирган тақдир зарбаларига чидаган аёлга қасидадек янграйди. Менглибой Муродов ҳикояларида халқ мақолларидан ўз ўрнида, унумли фойдаланади. “Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етар”, “Оримни ортмоқлаб овора бўлмади” каби иборалар ёзувчи асарларининг ўзига хос тили жозибасини оширади.

Менглибой Муродовнинг машҳур асарларидан бири болалик йилларидан олиб ёзилган қиссасидир. Қисса тарихи ҳақида ёзувчининг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Гуноҳ” романим босмадан чиққач, жойларда китобхонлар билан кўплаб учрашувлар ўтказдик. Улар менга: “Сизнинг нима армонингиз бор?” - деган саволни беришганда, юрагимнинг туб-тубига муҳрланган армоним беихтиёр юзага қалқиб чиққандек бўлди.

Менинг армоним унча-мунча армон эмасди. Мен учун отамни кўриш, унинг юз-кўзларига термулиб қараш – бир умрлик армонга айланганди. Жажжигина бола қалбим билан мана шу улкан армонни кўтариб, улғайдим. Ёшим ўтгани сайин, армоним юрагимга чуқур ботиб бораверди...

Ушбу асарни сизга тақдим этарканман, отасининг йўлида зор-интизор яшаётган болакайнинг юрагини қўлингизга тутқазаетгандекман” (Менинг бола қалбим. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2009. 5-бет). Ёзувчи кўксини куйдирган армонларини, соғинчлари, кўрган-кечирганларини самимият билан қаламга олгани асарнинг ўқишли чиқишига замин бўлган. Асар бошланишидаги воқеа: отаси урушга кетгандан сўнг туғилган, ҳали падарини кўрмаган бўлса-да унинг дийдорига интиқ боланинг бошқа болаларга кўшилиб эшак миниб келаётган бир тўда одамларга қараб ота деб югуриши, оталари эшакларига мингаштириб олган болалар олдида изза бўлиши жуда таъсирли берилган. Ёзувчи асар давомида мана шу таъсирчанликни ушлаб туришга ҳаракат қилади ва бунга маълум маънода эришади ҳам. Асар “мен” - бола Менглибой тилидан ҳикоя қилиниши ҳам ички кечинмаларни теран ифодалашга хизмат қилган. Қиссадаги уруш йилларидаги оғир иқтисодий аҳвол, қишлоқдаги турмушнинг беадад қийинчиликлари таъсирли ифодалар орқали, ичкин бир ҳолатда берилади.

Ёзувчи маҳорати адабий портрет яратишда ҳам кўринади. У бригадирнинг адабий портретини шундай чизади: “Ўзиям сузағон хўкиздай важоҳатли, телбавор. Юзида озгина бўлса-да истараси йўқ, кўзлари ҳам

илонники каби совуқ йилтираб туради.” (78-бет). Шу тасвирнинг ўзиданок бригадирнинг қандай одамлигини билиб олиш мумкин.

Ёзувчи кўп ҳолларда жуда ўринли ўхшатишлар топадики, улар китобхоннинг хотирасидан узоқ вақт ўчмайди. “...Неча кундан буён осмонни қоплаб турган қора булутларни ёриб чиққан баркашдай офтоб нурлари ҳовлимиздаги уюм-уюм қорларнинг додини бериб йиғлатаётган ва башарасини хунуклаштириб, тупроққа қориштираётган эди” (31-бет). Ёки: “Офтоб чиқиб турган бўлса-да, ҳовлининг ҳар ер-ҳар ерига уйилган қор ва музлар меҳмонга ўхшаб чўзилиб ётар, ўринларидан кўзгалай демасди” (56-бет). Қорни йиғлатиш, узала тушиб ётган меҳмонга ўхшатиш жуда ўринли чиққан.

“Атрофга зеҳн солиб қарасам, кечаги шамол аралаш ёққан қор тозаям таъзирини ебди. Текис ерга тушганлари-ку, шамолда тўзғиб, адоий тамом бўлибди. Аҳиллашиб боши бирикканлари эса паноҳ излаб ўзларини ариққами, чуқургами, пана-пастқамгами урган экан. Уларга қарарканман, кулгим келди. Паға - паға ёққан қор кучлими десам, ундан шамол кучли экан. Ана, шамолдан кўрққан қор шўрликлар бўридан кўрққан кўзичокдай ҳар жой-ҳар жойда писиб ётибди” (119-бет). Бундай тиниқ тасвирлар асар бадийлигини ошириши билан ўқувчига бир дунё завқ беради, воқеалар ассоциясиясини кучайтиради. Адабиётда турли предметларни қорга менгзашлар, қорни нимагадир ўхшатиш, масалан, кумушга қиёслаш кўп учрайди, аммо Менглибой Муродов ёндашуви, қорни жонлантириш орқали тасвирлашнинг таъсири ўзгача

бўлиши табиий. “Боши бирикканлар” иборасининг ўзида қанча теран маъно бор.

Асарда воқеаларнинг кўпроғи қиш фаслида кечганлиги, табиатдаги қиш захрининг таърифи, асардаги турмуш “совуқлигини” бўрттиришга хизмат қилган. Фаслларнинг инсон руҳиятига таъсири бўлганидек, ёзувчи ҳам таъсир кучини ошириш маъносида қиш фаслига кўпроқ урғу бераётгандек.

Асарда ишлатилган халқ мақоллари, жумладан, “Пухтанинг иши беш, шошманинг иши бўш”, “Ҳолин билган ҳоримас”, “Ота сўзи олмос, отгани ерда қолмас”, “Чақмайдиган бит йўқ, қопмайдиган ит йўқ”, “Давлатинг - ота-онанг, савлатинг - ўғил-қизинг”, “Ориқ отга қамчи оғир, йиртиқ уйга томчи оғир”, “Тош тушган ерига оғир”, “Мушукка ўйин, сичқонга қийин”, “Дард - меҳмон, тана - кўрғон”, “Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ” каби ва яна бошқа кўпгина халқона ҳикматларнинг қаҳрамонлар тилидан ўз ўрнида қўлланиши асарнинг жозибадорлигини ошириб, қисса тилини янада ширали бўлишига хизмат қилган. Менглибой Муродов насридаги ўзига хос томонлардан бири бўлган мазкур жиҳат персонажлар тилида жонли нутқ жозибасини кўрсата олган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев қиссага битган “Интизор қалб армони” сўзбошисида шундай ёзади: “Менглибой Муродовнинг “Менинг бола қалбим ёхуд армонга айланган умид” асарини бир эмас, икки-уч бор ўқидим. Ўқиган сари яна ўқигим келаверди...”

Айтишларича, бадий асар деб аталадиган гўзал кошонани бир-биридан чиройли ишланган тўрт устун

кўтариб турар экан. Бу- гўзал ғоя, бир-биридан чиройли сўзлар, бу - пухта ишланган образлар, бу - ихчам сюжет. Шулардан бири бўлмаса, ўша гўзал кошона сал қийшайиброқ қолади, дейдилар. “Менинг бола қалбим ёхуд армонга айланган умид” асарида шу тўрт ҳолатнинг бирмунча мукамал ишланганини кўрдим” (8-бет). Асарни ўқиган китобхон атоқли ёзувчининг фикрлари нақадар ҳаққонийлигига амин бўлади.

Маиший мавзуда йирик асар ёзишнинг ўз яраша масъулияти ва мураккабликлари бўлади. Айниқса, роман ёзиш учун ёзувчи маълум даражада тайёргарликдан ўтиши керак. Насрнинг кичик жанрларида ўзини синаб, қаламини чархлаши зарур. Менглибой Муродов худди шундай изланишлардан сўнг роман ёзишга киришади. Унинг биринчи романи “Гуноҳ” (“Гуноҳ”. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2009) маиший мавзуда битилган жиддий асардир.

Турмушдаги ижтимоий муаммоларни кўтариш ва буни романбоп қилиб ёза олиш учун, таъкидлаганимиздек, алоҳида тайёргарлик керак. Яъни, шунчаки тақдирларни ёзиб қўйган билан роман яратиш бўлмайди. Романдаги қаҳрамонлар тақдири одамларни ўйлантириши, ахлоқий жиҳатдан тўғри йўл топишга ёрдам берадиган бўлиши керак. Романда икки ёш - Шамсиддин ва Гулсаранинг хатоси, бир болани тирик етим қилганлигининг гуноҳи ҳар иккаласинигина эмас, бутун бир оилани бир умр таъқиб қилгани ва улар гуноҳининг касрига қанча бегуноҳлар қолиб кетгани

яхши кўрсатилган. Асарда, айниқса, қаҳрамонларнинг рухий ҳолатини яхши очиб берилгани диққатни тортади. Гўдагини болалар уйига ташлаш учун олиб кетаётган Гулсаранинг рухий ҳолати шундай тасвирланади: “Аёл шошилаётганига қарамай боласининг митти юзидан ўпмоқчи бўлди, бироқ унинг уйғониб кетишидан кўрқдимиз, дарҳол фикридан қайтди. Аёл яна ва яна гўдагининг юз-кўзларига суқлана - суқлана термулди. Кўзларига ёш тўлиб-тўлиб термулди... Шу пайт гўдак кулимсираб қўйди.

Бу ҳолат аёлнинг юрагини баттар хуружга келтирди. Ўзини йўқотаётган аёл шу онда гўдагини бағрига олиб тўйиб-тўйиб эркалагиси, муаттарлик ва мафтункорликда бу дунёда ўхшаши йўқ чақалоқ исидан маст бўлгиси келди” (7-бет). Ишонарли тасвир. Диққат қилинса, ҳолатлардаги кетма – кетлик, изчиллик сақланган. Аёлнинг ҳолати жуда аниқ ва тиниқ чизилган. Гулсара боласини ташлаб кетгандан кейинги ўзида нималарни ҳис қилаётгани янада қуюқ бўёқларда берилади:

“Аёлнинг назарида ҳамма унга жирканиб ёки нафратланиб қараётган эди, ўзаро гаплашиб, қиқирлашаётган анави йигит-қизлар ҳам гўё шу тобда унинг устидан кулишаётгандек, уни масхара қилишаётгандай” (10-бет). Ёзувчи қаҳрамонларининг ўй-хаёлларинигина бадий тасвирлабгина қолмайди. Муаллиф Гулсаранинг тақдирини ўз сўзлари билан шундай таърифлар экан, бу қаҳрамон ҳаёти чигалликларини ўқувчи теранроқ тушунишига хизмат қилади. Уларни муаллиф тилидан ҳаётини далил топиб қиёслайди. Китобхон асар қаҳрамонлари қандай

инсонлигини тушуниб етиши учун бундай қиёслар қулай имконият беради: “Менинг умрим ҳам шу йўлларга ўхшайди: тор ва эгри-бугри, чанг ва ифлос. Бу йўлларни-ку кенгайтириш, созлаш, обод қилиш мумкиндир. Лекин менинг умр йўлларимни-чи?.. Буни тузатиш мумкинмикин? Қандай қилиб, қачон?!” (14-бет). Энди ёзувчи томонидан болани боқиб олган Лобархоннинг ҳолати Гулсарага тескари равишда қандай тасвирланганига эътибор қилайлик: “Айни чоғда жувоннинг ўт чақнаган кўзларига барглари сарғая бошлаган мевали дарахтлар ҳам, ҳосилини кўтаролмай шохлари эгилиб турган хурмо ва кечки олмалар ҳам, уруғлари пишиб тўкилаётган турфа ранг гуллар ҳам, ҳатто чорпоя биқинидаги кичкина супачада чўзилиб ётганча икки ойлик болаларини эмизаётган мушукдан тортиб гаражни дарвозаси олдида чўнқайиб ўтирган Олапар кучигигача беқиёс гўзал ва ёқимли кўринади. Лобархоннинг шу тобда кўзига хуш кўринаётган ҳар бир нарсани қучоқлаб бағрига босгиси, эркалаб, силаб-сийпаб қўйгиси келарди” (100-бет). Асардаги икки қаҳрамоннинг икки хил ҳолатини қиёслашимиздан мақсад, руҳий тасвир жиололарини беришдаги ёзувчи маҳоратини кўрсатишдир. Болани ташлаб кетган аёл билан, бола асраб олган аёл дунёқарашидаги эврилишлар жараёнини батафсил берилиши романдаги тасвирлар нақадар теранлигини кўрсатувчи далиллардандир.

Ёзувчи романда туш мотивидан ўринли фойдаланади. Масалан, Гулсаранинг тушига кирган онасининг айтган сўзлари: “Шу десанг, қизим, бундан бир ҳафта - ўн кун бурун тушимга жуда ғалати бўлиб

кирдинг. Тушимда сен менга қараб: “Ойижон, олтин сопли ўткир ханжар топиб олдим” - деб қувониб гапириб, кулдинг. Биласанми, қизим, куни кечаям сени тушимда кўрдим. Бу сафар ҳам тушимда сен яна менга қараб: “Ойижон, ханжарнинг қини бўлмаса сақлаб бўлмас экан. Шунинг учун уни қин яшаш учун устага бердим”, деб яна қаттиқ кулдинг” (16-бет). Туш мотиви Шамсиддин мисолида ҳам яхши кўрсатилади. Шамсиддиннинг тушидаги “Қора балчиқда усти-боши лойга беланган тўрт-беш ойлик бир гўдак кўлларини чўзганча “А-да-жо-н!.. О-йи-жо-н!” деб чинқириши бўлажак воқеаларга ишорадек. Ёзувчи инсон руҳиятини тасвирлар экан, унинг нозик жиҳатларини илғаб ёзади, масалан, Гулсаранинг ҳолати: “Гулсара бундай ўй-хаёлларни бир жойда ўтирганда эмас, балки хамир қораётганда ҳам, чой дамлаётганда ҳам, ўчоққа тараша синдириб солаётганда ҳам ва ҳатто дастурхон тузаётганда ҳам қалбидан кечирар эди” (47-бет). Ёзувчи қаҳрамонларининг тақдирини шундай тасвирлайдики, бир гап билан ҳолат мазмунини очиб беради. “Қуя тушган ҳаёт “ ибораси - Гулсара тақдирининг бир жумладаги тасвири. Ёки: “Дилим доғлиқ, кўлим боғлиқ, йўлим тоғлиқ!”, ”Оловни чўнтакда, илонни кўйинда сақлаб бўлмайди”, “Ёрилган бошимизнинг қонини чивинларга талатиб ҳам ўтира олмаймиз”, “Ерга қараган кўзга чанг тушмайди”, “Туяни чумоли қилади ёмон гап”, “Ёшлиқ ўктам бўлса, қарилик кўркам бўлади”, “Бардош чўғниям чангаллаб тура олади”...

Асарда мана шундай киши тийнاتини кўрсатадиган тасвирларнинг бўлиши роман қаҳрамонлари руҳиятини

очишдаги ёзувчи маҳоратини кўрсатади. Бошқа қаҳрамонларнинг руҳиятини очишда ҳам ёзувчининг ўзига хос маҳоратини кўрамаиз. Бу борада Шамсиддиннинг ҳолати шундай тасвирланади: “Шамсиддиннинг асаблари таранг тортила бошлади, чой куйилган пиёлани ва чойнакни ўнг кафтининг орқаси билан дастурхон ўртасига суриб қўйди. Дастурхон четидаги сочиқни юлқиб олиб бармоқлари билан эзгилаб ўтирганча Гулсарага ер остидан кўз ташларкан бирдан жаҳли кўзиди-да: “Шунақа де. Демак, бола беҳовотир жойда, яхши бўпти. Давлатнинг ўзи боқиб олади... Энди сен менинг бошимни қотирма. Менинг муҳимдан муҳим ишларим кўп, мени йўлдан қолдирма. Мана. Дастурхон очик, нон е, чой ич. Ҳурматингни бил!..” (91-бет). Туш ҳар икки қаҳрамон ҳолатига, муносабатига мос равишда келтирилади. Адабиётда туш мотиви халқ оғзаки ижодидан бошлаб кенг миқёсда қўлланилади. Бунинг ўз ютуқли томонлари бор. Муаллиф томонидан айтиш мушкул воқеаларни, ишораларни, келажакда бўладиган воқеалар хабарини беришда, хусусан, ички туйғуларни баён этишда туш мотиви жуда ўзини оқлайди.

Ёзувчи қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини муаллиф сўзлари билан тасвирлабгина қолмайди. Балки бу ҳолатни уларнинг ҳаракатларида ҳам кўрсатади. Пиёлани “кафтининг орқаси билан” суриб қўйиши, “сочиқни юлқиб олиб” гапириши тасвирларида Шамсиддиннинг бутун руҳий ҳолати ҳаракатда кўрсатилади. Ёзувчи унинг гап-сўзлари орқали маънавияти қанчалик пастлигини ва Гулсарага бўлган муносабатини тасвирлайди. “Қуёш ҳам гўё

Шамсиддинни кўришни истамаётгандек тезликда уфқ ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди”, “кўнгиллари шу осмон каби қоп-қора” калималарида ёзувчи табиат унсурлари билан боғлаб, Шамсиддиннинг аслида қандай одам эканини айтмоқчи. Ёмонлардан қуёш ҳам ҳазар қилиши - ёмонликнинг нақадар жирканч иллат эканлигини кўрсатади.

Асарда шифокорнинг куйиниб айтган сўзлари роман маънавий мағзини ташкил этади, таъбир жойиз бўлса, асар ғоясининг туб моҳиятини белгилаб беради: “Донишмандларнинг айтишича, қиммат беҳикмат эмас, арзон беиллат. Яна билишимча, буям ақлли одамларнинг гапи, бахтнинг бешта илдизи бўлар экан. Шундан биринчи илдизи яхшилик бўлса, иккинчиси меҳр, учинчиси садоқат, тўртинчиси оқибат, бешинчиси саломатлик экан, билдингизми, ука! Бундоқ ўйлаб қараганда, инсон учун соғлиқдан азизроқ, соғлиқдан қиммат нима бор ўзи? Бизнинг эса ишимиз шу: беморларни оёққа турғазиб, туққан-туғишганларини хурсанд қилиш! Шунинг учун эртаю кеч жонимзни жабборга бериб юрибмиз-да, ука, савоб оламизми деб!..” (119-бет). Асарда бундай фикрларнинг айтилиши ўқувчига эриш туюлмади, сабаби - у персонаж тилидан айтиляпти. Агарда буни ёзувчи муаллиф тилидан берганда, худди ўқувчига насиҳат қилгандек таассурот қолдириши мумкин эди.

Романда миллий қадриятларимиз билан боғлиқ кўплаб эпизодлар берилади. Оталар ва болалар ўртасидаги муносабат, қадриятларнинг қадрига етиш ва айни пайтда, инсон ўз қадрини ҳам билиши лозимлиги уқтирилади.

Шамсиддин келишган, хушқомат, бу борада, ўзига ишонган йигит. Аммо унинг бошқа жиҳатлар бўйича ишончи саёз. У қилмоқчи бўлган ишини охиригача олиб бора олмайди. Шу боис унинг ўзига ишончи худбинлиги, холос. Ўзига бино қўйишдан келиб чиқадиган худбинлик. Ана шу худбинлик бўлмаса, у болани етим қилмасди. Гулсаранинг бошига шунча ташвишларни солмасди. Демак, унинг севгиси ҳам маълум даражада худбинликнинг қурбони бўлган, ўзининг шаъни учун бошқанинг шаънини ерга булғашнинг ҳосиласи бу. Шамсиддин гуноҳ устига гуноҳ қилади. Гулсарани алдаб бир гуноҳ қилса, Ойсарани алдаб - икки гуноҳ қилади. Натижада гуноҳларнинг залвори ортавериб охири ўзига ҳам зарбаси қаттиқ бўлади. Ёзувчи бу гуноҳнинг оқибати Шамсиддиннинг болаларига-да уриб, ногирон бўлиб қолганини ишонарли тасвирлайди. Шамсиддиннинг айби болаларни шу ҳолатга олиб келганига ўқувчини ишонтиради. Агар унинг ҳам гуноҳи Гулсараникига ўхшаб ўзига урса, китобхон кўнглидан ”Жазойингни олдинг”, деган фикр ўтиши мумкин эди. Шамсиддиннинг фарзандлари чекаётган азобни кўрган ўқувчи болаларга ачинади, Шамсиддинга нисбатан нафрати ортади. Ёзувчи қахрамонига нафрат орттиришдан манфаатдор эмас. Асарнинг мантиқий тадрижи, қилинган гуноҳнинг залвори ниҳоятда оғирлигиги ўқувчига ҳис қилдириш учун ҳам керак бу усул.

Гулсара ҳам юқорида айтганимиздек, жазодан четда қолгани йўқ. Ота-онасининг аҳволи, акасининг ногирон бўлиб қолиши, ўзи саломатлигини йўқотиши -

буларнинг барчаси бир нуқтага бориб тақалади. Яъни қилинган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам беиз кетмаслиги, сўнгги пушаймон ўзинга душманлиги урғуланади.

Романда сюжет тизимидаги узвий боғлиқлик, асарни ўқиганда китобхон воқеаларни чалкаштирмаслиги учун композицияни тўғри қуриш муҳим рол ўйнаган. Воқеалар кетма-кетлиги тўғри белгиланса, табиийки, асарнинг китобхонни жалб қилиш баробарида таъсир кучи ҳам ортади. Ўқирманда нега бундай бўлди, аввал бошқача тасвирланган эди-ку, деган савол туғилиши керакмас. Аксинча бир воқеадан иккинчисининг келиб чиқиши, мантиқий изчиллилик муҳим аҳамиятга эга.

“Туноҳ” романидаги айрим воқеалар бадиий тўқимадек туюлсада, бу усул ёзувчининг айтмоқчи бўлган фикри учун қўлланилганлиги сезилиб туради. “Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Асарнинг ютуғи шундаки, ёзувчи ҳаётда юз берган анчайин чигал ва айни пайтда қизиқарли воқеаларни шунчаки қоғозга кўчириб қўя қолмайди. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, унга “кўнглидаги гапларни” қўшиб ёзади. Шу сабабли “Туноҳ” ҳаяжон ва қизиқиш билан мутолаа қилинади, то сўнгги нуқтага қадар ўқувчини “Кейин нима бўларкан?” деган савол таъқиб этади”, дея ёзганди таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад (236-бет). Асарнинг яна бир ютуғи воқеаларнинг жойига қараб тасвирланиши, муаллиф баёнининг ҳам тасирли ифодаланишидир. Ёзувчи оиладага вазиятни бундай тасвирлайди: “Ордан икки кун ўтиб эса... бу хонадонда гап қозони қайнади. Гап тошди, гоҳ пасайди, гоҳ оқ-қора кўпиклари ёнаётган оловга сачраб тўкилиб, унинг дахшатли кучини бироз сусайтиргандай бўлди.

Шундан сўнггина хонадон соҳиблари қозоннинг қопқоғини зичлаб ёпиб қўйишди. Қопқоқнинг синган, куйган жойларидан қора тутун, ачимсиқ дуд аҳён-аҳёнда кўтарилиб, димоғларни ачитиб турса ҳам кўникишга мажбур эдилар” (133-бет). Ёки Шамсиддиннинг ички кечинмаларини беришдаги тасвир, юқорида айтганимиз Тоғай Мурод услубини эслатади:

“Ўйламаган иш бўлди.

Шамсиддиннинг уйи куйди.

Шунча кундан бери орзиқиб, энтиқиб, юрагини ҳовучлаб кутгани бир зумда саробга айланди-қолди.

Қалби ёнди.

Юраги ўртанди.

Кўнгли синди.

Дили ғашланди.

...Ёлғизликни хушлаб қолди.

Ўзи билан ўзи бўлди.

Юраги қонга тўлди.

Кўнглига қил сиғмай қолди.

...“Уҳ” тортиб хонасига кирди.

“Уҳ” тортиб чироқни ёқди.

“Уҳ” тортиб ўзини диванга ташлади.

“Уҳ” тортиб кўкрагини ерга бериб ётди.

“Уҳ” тортиб шипга тикилиб ётди.

Ўнг ёнига бурилиб ётди.

Чап ёнига бурилиб ётди.

Қани, уйкуси кела қолса!

Қани, дили равшанланса!

Қайда?!..

Сигаретини сўриб-сўриб атрофга боқди. Қайтага

хонасидаги ҳар бир нарса - дивандан телевизоргача кўзига совуқдан-совуқ, ғарибдан-ғариб кўриниб кетди. Хонасининг тўрт бурчаги тўрт томондан қисди. Ҳар бири оғзини очиб, ютаман дейди. Жони ҳалқумга келди” (180-бет).

Романдан бундай кўчирмалар келтиришдан мақсад, биринчидан, ёзувчининг бадиий маҳоратини кўрсатиш бўлса, иккинчидан, фикрларимизни пухта далиллашдир.

Бир марта қилинган гуноҳнинг таъқиби Гулсарани қай аҳволга солганининг ўзи китобхонни мушоҳадага ундайди, гуноҳан ҳазарга чорлайди. “Гулсара касалхоналарда ўтказган етти йил ичида озмунча йиғладими? Дунёда йиғининг ҳам тури кўп экан. Гулсара хиққиллаб ҳам йиғлади, пиқиллаб ҳам йиғлади, ётиб ҳам йиғлади, туриб ҳам йиғлади, ўкириб ҳам йиғлади, бўкириб ҳам йиғлади, хаёл суриб ҳам йиғлади! Кейин-кейин эса умид билан йиғлади, армон билан йиғлади. Йиғлайвериб кўзларида ёш қолмади” (244-бет). Энди бундай йиғилардан фойда йўқлигини китобхон англаб етади. Пировардида, ёзувчининг мақсади ҳам шу! Яъни гуноҳнинг жавоби қачон ҳам бўлса берилиши кераклигини ўқувчи шуурига сингдириш. Менглибой Муродов “Гуноҳ” романида бунинг уддасидан чиқа олган дейиш мумкин.

“Савоб” романи худди “Гуноҳ” романига қарама – қарши маънода, яъни савоб ишнинг ҳамиша улуғлигини кўрсатиш учун ёзилгандек. Икки романни антитеза

шаклидаги асарлар дейиш мумкин. Романда савоб ишнинг аҳамияти беқиёслиги Яхши бобо мисолида кўрсатилади. Ҳар бир нарсанинг ўз қарши томони бўлгани каби гуноҳ қанчалар салбий бўлса, савоб шунчалар ижобий. Ёзувчи бу романида ўз эстетик идеалини яратишга ҳаракат қилади, кексайганда ҳам халқ корига яраб, ўзини савоб ишларга бағишлашга чорлайди. Унинг назарида ҳар бир ўзбек отахони Яхши бободек бўлиши керак ва савоб ишни доимо қилиши керак. Бу - обрў орттириш, кимларнингдир ҳурматиغا сазовор бўлиш ёки мукофотлар олиш учун эмас. Айни пайтда буларнинг ҳаммаси қалб амри билан бўлиши керак. Ёзувчи мана шундай қалб амрига бўйсуниб яшайдиган Яхши боболар кўпайишини истайди. Бобо ва неvara силсиласи ҳам яхшилик авлоддан-авлодга ўтишини уқдириш маъносида берилган. Асар мағзида боболар невараларга эзгу ишларни, амалларни мерос қилиб қолдириши ғояси ётади. Яхшиликдан яхшилик туғилиши, савоб ишнинг қадрини ҳатто савоб иш қилмайдиганлар ҳам тушуниши ҳақиқат-ку!. Ҳатто бировга яхшиликни раво кўрмайдиган одамлар ҳам ич-ичида яхшилик нималигини билади. Қурғур ҳасад бунитан олишга йўл бермайди. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар учун мўлжаллаб ёзилган мазкур асар “Бир кўнгил иморати - минг макка зиёрати” мантиқиға асослангандек туюлади. Асар бошдан охиригача эзгулик тарғиботига бағишланган ва ўқувчида ҳам шундай эзгу туйғулар шаклланишиға хизмат қилади. Романда бобонинг барча савоб ишлари, амаллари неvara тилидан ҳикоя қилинади. Асар ўсмирларға бағишлаб ёзилгани учун бола тилидан ҳикоя қилиниши

унинг таъсирчанлигини оширган. Содир бўлаётган воқеаларнинг гувоҳи бўлмиш бола нигоҳи ўзига хослиги, беғуборлиги билан ажралиб туради.

Бола тилидан берилган мана бу фикрларга эътибор қаратинг: “Машойихлар бекорга “Мол учун талашма, ор учун талаш”, “Оринг куйгунча иймонинг куйсин” дейишмаганда ахир, Қаландаржон, деди бобом пешонасидаги бўртиб чиқақан томирини оҳиста силаб. Мол топиладиган нарса. Кетган маблағингизга ҳеч ҳам ачинманг. Жонингиз омон бўлса ҳаммаси топилади. Бироқ жон билан ор топилмайди. Сиз, аввало, ориятли бўлинг. Айбингизни бўйнингизга олинг. Чунки катта хатолик сиздан ўтибди. Яна бир гап, кечиримли бўлинг. Билсангиз, кўпинча хатоликлар билимсизликдан, манманликдан, очкўзликдан ва ўйламай иш қилишдан келиб чиқади. Айб кимдалигини билмоқчи бўлсангиз, ўзингизни Мамараимнинг ўрнига бир қўйиб кўринг-чи. У сизнинг ўрингизда шу ишни қилса, “Яхши бўпти, ука” дея пешонасини силармидингиз? Аввал пичоқни ўзингга ур, оғримаса - бировга, дейилган” (.29- бет). Бобонинг ўғитларида ўзбек қарияларига хос донишмандлик, эшитувчини аяб гапириш, кўнглига оғир ботмаслик хислатлари бор. Тўғри гапнинг таъсири қайдай айтилишига ҳам боғлиқ. Яхши бобо ҳаммага бирдек муносабатда. Одам ажратмайди. Шунинг учун ҳам эл ичида ҳурмати баланд. У кишининг кимлиги сўзларидан маълум. Фикрларини пухта ўйлаб, тарози палласига бирдай қараб сўзлайди:

“Ука, бундай калта ўйламанг. Узоқни ўйланг. Аёлингизга айтинг, у бундай номаъқулчилик қилмасин. Сиз жабрланган бўлсангиз, уям жабрланиб ўтирибди.

Ҳам шунча маблағига куйди, ҳам соғлиғини йўқотди. Бир жазо бўлса шунча бўлади-да. Яна қандай жазо керак сизга? Бировга зулм ўтказиш ақлли инсоннинг иши эмас. Янглишмайдиган оғиз йўқ, қоқилмайдиган туёқ. Кейин ўкиниб юрманг, мелисага бериб бекор қилган эканмиз деб. Биладан, гапларим ҳозир қулоғингизга ёқмаяпти, аммо насихат аччиқ бўлсаям меваси ширин бўлади. Нима бўлганда ҳам, ўйлаб иш қилинг” (34-бет). Ёзувчи бош қаҳрамон номини Яхши бобо деб қўйишидан мақсад, аввало, романда мана шундай боболарнинг умумлашма образини яратишга ҳаракат қилганидан деб биладимиз.

Ижод жараёнида “Туядек бўйинг бўлгунча, тугмадек ўйинг бўлсин” мақолига ёзувчининг ўзи ҳам амал қилади. Амал қилгани асарларини пишиқ, обдон ўйлаб ёзгани ва китобхонларни ўйлатадиган фикрларни, ижтимоий муаммоларни кўтариб чиққанида кўринади. Менглибой Муродов бошқа турли жанрларга оид асарларида қўллаганидек, бу романида ҳам халқ мақолларидан керакли даражада истифода қилади. Халқ ҳикматидан унумли фойдаланиш кўпинча асар тилини гўзаллаштиради ва, энг муҳими, персонажлар индивидуаллигини оширади. “Офтобда қатик, салқинда сариёғ ялашган жўрадек”, “Узоқдан отилган тош қаттиқ тегади”, “Тутуннинг аччиғини мўри билади”, “Тоғ бошида қор бўлади, эр кишида ор бўлади”, “Ёғ ялаганда ёт, қон қусганда қариндош яхши” каби ўз ўрнида ишлатилган мақоллар ўқувчининг ҳам фикрини бойитади, тасаввурини кенгайтиради.

Асардаги бола образи ҳам шунчалик воқеаларнинг баёнчиси эмас, ўзига яраша мулоҳазакор,

атроф-муҳитга, одамларга қарашда ўз фикрига эга инсон образидир. Масалан, ”Айтишларича, одамнинг кўнгил сандиқчаси чиройли ва яхши гапларга тўлиб турмаса, ёпирилиб келган ғам-ғуссани кўтаролмай, чўкиб қолар экан. Камолиддин ака ҳам ҳозиргина шу ҳолатга тушиб турган эди. Ечилиши жудаям қийиндек туюлган муаммоларнинг бобом томонидан бир пасда ҳал бўлаётганини кўриб Камолиддин ака ғаройиб мўъжизанинг олдида тургандек бир муддат ўзини йўқотиб ҳам қўйди” (103-бет). Яхши бобо билан ҳамиша бирга юрган неваранинг бундай фикр юритиши табиий туюлади. Романда публицистик руҳ сезилиб туради. Бунга сабаб ёзувчининг ҳаётимиздаги кўпгина маиший муаммоларни яхши билгани, қолаверса, келишув билан ҳамма муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига асосланган асар ғоясидан келиб чиққанлигидадир. “Савоб” романи ўз номи билан савоб ишни тарғиб қилиш, савоб иш қилишга одамларни рағбатлантириш, умуман, савобталабликнинг ўзи қанчалик эзгу туйғу эканлиги, савоб иш инсонни нақадар улуғлаши асарда чиройли очиб берилган.

Менглибой Муродов - драматург

Драма жанри адабиётнинг гултожи ҳисобланади. Чунки бу жанрда ижод қилишнинг ўз мураккабликлари бор. Адабиёт тарихида кўпгина ижодкорлар аввал шеър, сўнг насрга ўтиб, кейинчалик драматик асар ёзгани маълум. Шунинг ўзи ҳам кўрсатадики, ижодкор адабиёт майдонида озми-кўпми тажриба орттиргач драматик жанрга қўл урган. Менглибой Муродов ижод йўлида ҳам шунини кузатишимиз мумкин.

Менглибой Муродов бир нечта драматик асарлар ёзди. Аввал кичик-кичик пьесалар битди. “Дийдор” бир пардали тўрт кўринишли кичик пьеса. “Алишерни сеҳрлаган китоб” пьесаси ҳам бир пардали тўрт кўринишли. Мазкур кичик пьесада муаллиф улуғ мутаффакир Фариддун Атторнинг “Қуш тили” асари қанчалик мутолааси нечоғли таъсир қилганини ёзади. Шу таъсир натижаси ўлароқ, Менглибой Муродов биринчилардан бўлиб пьесада Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир, онаси Ҳалима бонуларнинг образини яратади.

“Шошма, ўлмай тур” бир кўринишли ҳажвий пьесаси адашиб тамакига ружу қўйган ўқувчи болаларнинг фожиали тақдири ҳақида. Бу пьесалар машқ тарзида ёзилган дастлабки асарлар дейиш мумкин. Бу машқларда, таъбир жоиз бўлса, ижодкорнинг драма ёзиш йўлидаги илк изланишларини сезамиз. Мана шу изланишлар натижасида кейинчалик муаллифнинг бир қанча драматик асарлари дунёга келди. “Уйғониш”, “Қайтар дунё”, “Интизор қалб армони”

шулар жумласидандир. Менглибой Муродов жами олтига драматик асар ёзди.

Икки пардали, ўн тўрт кўринишли “Уйғониш” драмаси ҳалол йигит Ёқубжоннинг таъмагир, маънавий бузук туман санэпидстанцияси бошлиғи Олим Салимович ва унинг ҳамтавоқлари томонидан кўрган жабри, охир-оқибат яхшилик, ҳалоллик ғолиб чиққани тасвирланган. “Ҳалол юрсанг ютасан, ҳаром юрсанг йитасан”, деган отасининг насиҳатига кулоқ солган Ёқубжон кам бўлмаганлиги, “Яратганнинг ўзи суйган бандаларини яхши одамларга йўлдош қилади” деганларидек яхши дўстлари ёрдамида душманлари кўйган тузоқдан омон-эсон қутилиб чиққани драмада яхши берилади. Олим Салимович каби тор доирада фикрлайдиган кишиларнинг фалсафаси ҳам ўзига яраша. “Бу ҳаёт деганларида бирорта тиргагинг бўлмаса, саратоннинг жазирамасидаги шамол ҳам шамоллатаверади, ука. Пойдевор топиш керак. Зўринг, заринг, суянадиган чиноринг бўлиши керак. Шунда ҳеч қачон синмайсан”. (“Мен бир йўловчиман”. “Янги аср авлоди”--. Тошкент-2017. 140-бет). Бу кабилар ҳаётда ҳам шу фалсафаларидан келиб чиқиб ҳаракат қилади, ўзларини ҳақ деб биладилар, бошқаларнинг ҳам қинғир йўлдан юришини истайдилар.

Хосият ая сингари инсонлар эса эзгулик тарғиботчиси, яхшиликнинг оқибати яхши бўлишига ишонадиганлардир. Хосият аянинг: “Мени десанг отангнинг руҳини чирқиратаверма! Яхшилик қилганга сен ҳам яхшилик қил! Билиб қўй. Бу дунёга ҳар бир инсон яхшилик қилиш учун келади, яхшиликда гап кўп, болам!

Яхшиликни билмаснг, яхшиликка яхшилик қайтармасанг, унинг таъсири ўзингга уради ёки фарзандларингга уради, болам! ” (142-бет). Аянинг фикри тасдиқ топганини асар воқеалари сўнггида кўрамиз

Дарҳақиқат, Олим Салимович қинғир йўллар билан қанча пул топмасин оиласида тинчлик йўқ. Қизи Умида касалманд, ёлғиз ўғли ҳам уйдан бош олиб чиқиб кетган. Ёзувчи айрим инсонлар тақдиридаги мана шундай воқеаларни кўрсатиш билан ўқувчида ёмонликка қарши нафрат уйғотади. Бошқача қилиб айтганда, айтмоқчи бўлган фикрларини характерлар талқинида, тақдирлар мисолида кўрсатади.

“Қайтар дунё” драмасида бир оила тақдири мисолида ҳаётда ким нима экса шуни ўриши - ёшликда катталарга қандай муносабатда бўлсак, сен қариганингда ёшлар ҳам шундай муносабатда бўлиши яхши кўрсатилган. Абдумўмин бобо билан Фазилат аянинг ёлғиз ўғли Бердиёр бўш-бўёвгина бола, аммо, келини Шаддотхон исми жисмига мос ниҳоятда шаддот, бетгачопар. Драматург Фазилат ая тилидан келиннинг таърифини шундай келтириб ўтади: “Исмиям жисмига монанд - шаддотмисан, шаддот!.. На ҳурматни билади, на иззатни. Бунинг устига тилаб-сиқтаб олган ёлғизгина ўғилгинам ҳам жуда бўш, ландовур ва латтачайнар-да. Билибми, билмайми оғзининг ўлчовиниям, жиловиниям бериб қўйган хотинига” (169-бет). У на қайнонанинг, на қайнотанинг, на эрнинг ҳурматини жойига қўяди. Гаплашганда буйруқ оҳангида гаплашади гўёки, қайнона-қайнота унга хизматкордек. Баъзи бир ўринларда ёзувчи Шаддотхондаги терслик,

кўполликни бўрттириброк кўрсатгандай бўлса-да, бу образнинг тийнатишни очишга ёрдам беради. Вақти келиб Бердиёр билан Шаддотхон ота-оналарига нимаики қилган бўлсалар, ўғли Умидали ва келини Шахлохондан бус-бутун қайтади. Шунда, Бердиёр билан Шаддотхон ҳаётда қандай катта хатога йўл қўйганлигини кеч бўлса-да англаб етишади, аммо афсуски, энди бу хатони тузатишнинг иложи йўқ. Сўнгги пушаймон ўзинга душман. Менглибой Муродов персонажлар тилига алоҳида эътибор қилади. Масалан, Фазилат ая гапларини қофиялаб гапираётгандай “Оллоҳга шукр савлатимиз ҳам, давлатимиз ҳам бор”. Абдумўмин бобонинг сўзлари ҳам ўзига хос: “Тўғриси айтганда, ўғлимиз ҳам одам бўлмади, латтачайнар бўлди, ландовур бўлди, хумса бўлди, сўмак бўлди, ғалча бўлди” (177-бет).

Драмада персонажлар тилидан иборалар жуда ўринли ишлатилади: “Ўғлим билан келинимнинг оёқларига кирадиган тикан, менинг юрагимга кирсин”, “Ўзимни кўлгаям, оёққаям ола-ола мана нимага эришдим?!” “Буларнинг сабр дунёсига ўт кетган”, “Балиқнинг тириклиги сув билан, одамнинг тириклиги одам билан”, “Ўзига енг бўлмаган ўзгага бўй бўлолмас”, “Ҳар кимнинг эшаги ўзига от кўринар экан-да?!” “Ўргимчак ҳам ўз уйим дейди”, “Тагига сув кетган гуваладек юмшаб қолдинг-ку!”, “Йўрғанинг қадри юрганда билинар, яхшининг қадри ўлганда билинар.” “Суяктешар гап қилиб” каби иборага ўхшаш гаплар қайси персонаж тилидан айтилишидан қатъий назар образлар характерини очишга хизмат қилган. Оғзаки нутқ -жонли нутқ жозибасини оширган.

Менглибой Муродовнинг “Интизор қалб армони” драмаси урушнинг сўнгги йиллари ва урушдан кейинги давр ҳақидаги Ўзбекистон қишлоғидаги оғир шароит ҳақида ҳикоя қилади. Бу драма ёзувчининг “Менинг бола қалбим” қиссаси асосида яратилган. Бу қиссада ёзувчининг бошидан кечирганлари - отаси урушга кетиб қайтмаган, касалманд она ва ўша даврдаги оғир шароит тасвирланган. Менглибой Муродов мазкур драмада Ўринбой, Сайфиддин, Жўрақул каби тенгқур ўсмирларнинг ёш бўлса-да ҳаёт зарбаларига қанчалик чидаб берганлиги ва келажакдан умид узмаганлиги ҳаётий чизгилар орқали яхши кўрсатилган. Шунингдек, драмада Тенгегул янга, Козимбек бобо, Ҳотамбой амаки каби образларда уруш вақтидаги оғир йилларда ҳам одамлар қанчалик меҳр-оқибатли бўлганлиги бадиий ифода этилган. Асар ҳажман каттагина бўлса-да, воқеалар изчил тарзда бир-бирига боғлаб берилади. Умуман, Менглибой Муродовнинг драмага хос бўлган персонажлар нутқида алоҳида эътибор қилиши, монологларнинг ихчамлиги, афоризмларга бойлиги ушбу асарига ҳам тегишли.

Менглибой Муродов ижодининг туб мағзи бўлган яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш савоб ва гуноҳ тимсолида кўрсатилиши унинг драмаларига ҳам хосдир. Ёзувчининг яна бир ўзига хос жиҳати асарларини оптимистик - кўтаринки руҳда тугатишидир. Бунинг ижобий томони шундаки, китобхон кўнглида эзгулик, албатта, ғалаба қилишига ишонч туйғуси мустаҳкамланади.

Хотима

Рисола сўнгида Менглибой Муродов ҳақидаги ушбу кичик тадқиқотнинг ёзилишига туртки берган бир ҳолатни айтиб ўтмоқчиман. Мен аввало Менглибой акани шеърлари орқали яхши таниганман. 2017 йил у кишинг “Мен бир йўловчиман” сайланма китоби нашр қилинди. Китобда адибнинг турли жанрдаги асарлари жамланган бўлса-да, барибир, кўп йиллардан буён кадрдон бўлиб қолган шеърларини ўқиб маза қилдим. Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган китоб тақдиротида бу борада ўз фикрларимни айтдим. Шу куни муаллиф билан танишиб, андак суҳбатлашдик ҳам. Сўзимиз сўзимизга қовушди шекилли, шундан кейин гоҳ телефонда, гоҳ дўстлар даврасида учрашиб, гурунглашиб юрдик. Менглибой аканинг бошқа китобларини ҳам сўраб олиб ўқиб чиқдим. Бу орада мен Менглибой аканинг оила аъзолари - раҳматли Тўйбиби янга ва фарзандлари билан учрашдим. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳавас қилса арзигулик оила сифатида таассурот уйғотди менда бу танишув. Менглибой акадаги очик кўнгиллик, эзгуликка эшлик оила муҳитига ҳам кўчган экан менинг назаримда.

Ёзувчининг ёзган асарлари замирида, улар қайси жанрга мансуб бўлишидан қатъи назар, эзгуликнинг инжа тарғиботи мужассамдир. Менглибой ака савоб билан гуноҳнинг туб моҳиятини одамларга, айниқса, ёш авлодга англатиш учун ҳам асар ёзадигандек. Ёзувчининг ҳикояларида ҳам, қисса, романларида ҳам мана шу икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган.

Инсон тийнатидаги бу жиҳатнинг қай бирини ривожлантириш инсоннинг ўзига боғлиқ. Менглибой Муродов асарларини ўқиган китобхонда савоб ишга рағбат кучайиши шубҳасиз. Чунки ёзувчи ҳар қандай шароитда ҳам савоб ва гуноҳ беиз кетмаслиги, инсон қилган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам муқаррар ўз натижасини бериши асарларида жуда яхши ифодалаган. Ҳатто бу хатоларнинг оқибати авлодлардан авлодларга ўтиши, кимдир ўзи билмаган ҳолда аждодларинг гуноҳи учун жавоб бериши, кимдир боболарининг эзгу ишлари мевасини татиб кўриши мумкин. Менглибой Муродов роман, қисса, ҳикоя ва бошқа жанрдаги асарларини ўқиган китохон бунга ишонч туяди. Демак, маълум маънода гуноҳ ишлардан ўзини тийиб, савоб ишларни кўпроқ қилишга мойиллик кучаяди уларда. Шу маънода, Менглибой Муродовнинг асарларида яхшиликка чорлов ўқ томир десак адашмаймиз. “Онамнинг ҳиммати”, “Жазо”, “Ирода”, “Аёл қисмати” ҳикоялари мағзини ҳам, “Уйғониш”, “Қайтар дунё”, “Интизор қалб армони” драмаларининг мазмун-моҳиятида ҳам, улардан келиб чиқадиган ҳаёт мантиғида ҳам эзгуликни улуғлаш ғояси устуворлик қилади. Ва бу эзгу ният шукуҳи ўқирманга ҳам юқади.

Рисолада муаллиф асарларининг ижобий томонлари ҳақида кўпроқ фикр юритилди. Бу унинг асарлари камчиликлардан батамом холи дегани эмас. Танқидий гапларни керагида авторнинг ўзига айтамыз, албатта. Бизнингча, энг аввало, ҳар бир ижодкорнинг асаридаги ютуқларга кўпроқ эътибор қаратиб, яхши томонларини айтиб, ёзувчи, шоирларни янада рағбатлантириш, руҳини кўтариш муҳимроқ. Ҳар нарсанинг ибратли

томонини кўриш керак дейилади-ку. Қолаверса, Менглибой Муродов асарлари ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, таниқли ижодкорлар Хуршид Дўстмуҳаммад, Икром Отамурод, Шухрат Ризаев , Тўлқин Ҳайит, Ашурали Жўраев, Қурдош Қаҳрамонов, Баҳриддин Садриддинов каби атоқли ёзувчи, шоир, адабиётшуносларнинг илиқ фикрлар билдиргани ҳам ижодкор меҳнатига берилган холисона баҳо дейиш мумкин.

Ёзувчи сифатида инсон кўнглидаги эзгу ниятларни янада нурлантириш, унга ижобий маънода, таъсир ўтказа олиш ҳар бир ижодкор учун катта бахт бўлса керак. Ёзарман сифатида Менглибой Муродовнинг бахту саодати ҳам балки шундадир.

Мундарижа

Кириш.....	4
Нафосат оламида.....	7
Наср кенгликларида.....	24
Менглибой Муродов -драматург.....	44
Хотима.....	49

Адхамбек Алимбеков - 1954 йилда туғилган. ТошДУнинг (ҳозирда ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Филология фанлари номзоди, доцент. “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърят” монографиялари, “Турк адабиёти тарихи хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси, “Ишқ асири бўлган жон”, “Сўз айтсанг билиб айт” рисоалари нашр қилинган. Икки юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Халқаро адабий анжуманларда илмий маърузалари билан қатнашган. Мақолалари рус, инглиз, турк, панжоб, қозок, қорақалпоқ тилларида нашр қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Дўстлик” ордени соҳиби (2015).